



УЗБЕКИСТОН

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 266 (20. 234) • 1988 йил 18 ноябрь • жума Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ Москвадан жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев Хиндистон раҳбарларининг таклифига биноан 17 ноябрь кунин Москвадан Деҳлига расмий дўстлик визити билан жўнаб кетди.

М. С. Горбачевнинг сафа-

рида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, СССР

маданият министри В. Г. Захаров унга ҳамроҳ бўладилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари В. И. Воронников, Л. Н. Зайков, Е. К. Литачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. Н. Риж-

ков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига кандидатлар А. П. Бирюков, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д.

Бакланов, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Хиндистоннинг СССРдаги муваққат ишлар вакили П. К. Бухвар бор эди.

М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган расмий ишчилар Хиндистонга бораётиб Тошкентда тўхтаб ўтишди.

М. С. ГОРБАЧЕВ Тошкентга келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев Хиндистон раҳбариятининг таклифига биноан 17 ноябрь кунин расмий дўстлик визити билан Деҳлига бораётиб Тошкентда тўхтади.

М. С. Горбачев билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, бошқа расмий ишчилар келдилар.

Тошкент аэропортида М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган ишчиларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, бошқа расмий ишчилар келдилар.

Кутиб олувчилар орасида Хиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули И. Кумар бор эди.



СУРАТДА: М. С. Горбачевнинг Тошкент аэропортида кутиб олинishi.

А. Горюхкин ва Р. Шагеев

фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

М. С. Горбачев кутиб олишда иштирок этган област партия комитетларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўз-

бекистон ССР Олий Советининг депутатлари билан суҳбатлашди. Республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришга доир кўпгина масалалар, жумладан, пахта-

чиликдаги ишларни янада яхшилаш, Озғир-овқат программасини, аҳолини юқори сифатли товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан, уй-жой билан таъминлаш,

регионда, айниқса Орол бўйида экология вазиятини нормаллаштириш вазифаларини ҳал қилиш тўғрисида гаплашиб олинди.

(ЎзТАГ).

Хиндистон М. С. Горбачевни кутмоқда

ДЕХЛИ. 16 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Деҳлининг «Ашока» марказий меҳмонхонасида оқилан матбуот конференциясида бугун ўзига хос рекорд ўрнатилди: бу ерга иккелан хинд ва чет эл журналистлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг расмий дўстона визити арафасида совет делегацияси экспертлари гуруҳи вақт сарфасида совет раҳбарининг Хиндистон Бош министри Ражив Ганди билан бўлажак музокаралари, М. С. Горбачевнинг бундан иккинчи йил аввал Хиндистонга қилган визитидан кейин жадал ривожланган Совет — Хиндистон муносабатларининг келгусидаги ривожланиш истибболлари қизиқтирди.

«Ашока» меҳмонхонасида матбуот марказининг очилиши олий даражадаги бўлажак Совет — Хиндистон уррашувлари билан боғлиқ кўпгина воқеалардан бири-

дир, холос. Бугун Хиндистон президентининг Деҳлидаги дароғоҳида — Рашид Рапат — Бхаван саройида «Михаил Горбачев: янги афсона» ва «Осиё — Тинч океан регион» деган китобини тақдим этиш маросими бўлди. Хиндистон президенти Рамаасам Венкатараман айтганидек, бундан беш йил илгари бугунги кунда рўй бераётган воқеалар тўғрисида ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди. М. С. Горбачев жамон миқёсида сиёсий фикрлаш борасида чинакам революция қилди. Муҳолиф-лик унинг сиёсий маслаҳатлашувлар эгаллади, деди президент.

Бугун Хиндистон ташқи савдо вазирлигининг муҳим хужжат — СССР билан Хиндистон ўртасида товар оборотини кескин оширишни кўзда тутувчи протокол имзоланди. Келгуси йилда товар обороти 35 процент ошади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг муттақил ривожланиши бораётганлигини М. С. Горбачевнинг 1988 йил ноябрида Хиндистонга визи-

ти вақтида ўртага қўйилган мақсад муваффақиятли амалга оширилишига ишонч бағишлайди. 1992 йилга бориб товар обороти ҳамон 2,5 баравар кўпаяди ва 100 миллиард рупияга етади. Келгуси йилда Хиндистон Совет Иттифоқига чой етказиб беришни салкам 35 процент кўпайтиради, яъни 130 минг тоннага етказиши. Хиндистон кофеси, бўёқлари, лоқ ва бошқа товарларини харид қилиш кўпаяди.

СССР билан Хиндистон ўртасида савдо-сотиқ, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг турли жиҳатлари билан боғлиқ конкрет масалалар «Ашока» меҳмонхонасида ўтказилган матбуот конференцияси қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди. Совет Иттифоқи ва Хиндистон ана шу соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун катта имкониятга эгадирлар, дейишди конференцияда унинг қатнашчилари.

СССР ва Хиндистон раҳбарларининг мунтазам фикрлашуви яхши анъана бўлиб

қолди. Фикрлашув дунёдаги ҳозирги аҳвол нуқтаи назаридан ҳам зарур бўлиб, халқаро муносабатларда барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашди, деб таъкидлашди совет экспертлари. М. С. Горбачев билан Р. Ганди ўртасида бўлиб ўтган биринчи учрашув чоғида имзоланган Деҳли декларацияси янги афсона бўлиб қолди, асос бўлди, дейишди матбуот конференциясида.

Хиндистон томонининг фикрича, Хиндистонда СССР фестивалининг ёпилиши совет раҳбарининг Хиндистонга бўлажак визити чоғида муҳим воқеа бўлади. Салкам бир йилдан бери Хиндистон шаҳарларида ўтаётган совет маданияти байрами халқ дипломатиясининг муваффақиятли топилиши шакли бўлиб қолди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Хиндистон маориф ва маданият министрининг координатор-секретари Вира Рагхаван. Фестиваль чоғида маданий алоқалар соҳасида юзага келган кўпгина юзларини мунтазам тус олдириш керак.

СССР маданият министри В. Г. Захаров ҳам шундай фикрни қўллаб-қувватламоқда. Хиндистонда СССР фестивалининг ёпилиши, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, иккала буюк халқ ўртасидаги алоқаларини бутун чоралар билан кенгайтириш соҳасида келгусидаги олга томон қилинадиган ҳаракатнинг босқичидир. Иккинчи фестивал — СССРда Хиндистон ва Хиндистонда СССР фестиваллари ўтказилганлиги натижасида биз бир-биримизни кўпроқ ва яхшироқ билиб олдик.

Шу кунларда қўйилди Деҳлининг ёрқин кийфаси янада кўркамлашмоқда: кўчалар янги узилган гуллардан ясалган дарвозалар билан безатилган, марказий кўчаларда СССР ва Хиндистон Давлат байроқлари ҳилдирайди. Қадимий шаҳар одамлари кўз ўнгига лашармоқда. Президент саройининг олтиқ қаватли сўғити репетицияларини ўтказмоқда. М. С. Горбачев президент саройи территориясида тантанали кутиб олинади.

Хиндистон пойтахти олий мартабали меҳмонни кутмоқда.

В. ВАЙДАШИН,
Л. КОТОВ,
С. СОЛОВЬЕВ,
В. ЧУКОВ,
А. ЯРИКОВ.



Йилимизни
муваффақиятли
якунлайлик!

ЁШЛАР — ОЛДИНДА

«Ташсельмаш» заводидан Дилшод Лутфуллаев бошлиқ йигучи-спесарларнинг комсомол-ёшлар бригадаси асосий диққат-эътиборни маҳсулот санолигига эмас, сифатига қаратмоқда. Пахта териш комбайни асосий ишчи қисмларини йиғиш билан банд бўлган коллектив уларни биринчи тақдирининг ўзидек топширмоқда. Давлат қабули хизмати ходимлари йил бошидан бери ёшлар бригадасига бирор марта ҳам эътироз билдиргани йўқ.

Бутун коллектив меҳнатининг пировард натижаси учун ҳар биримиз масъулимиз, — дейди Дилшод. — Чунки биз конвейер асосида ишлаймиз. Ҳар қандай хато бригадининг умумий хатосига айланиши мумкин.

Лутфуллаев ўз коллективининг доим олдинда боришини хоҳлайди. Чунки у ҳозир комсомол ташкилотининг секретари ўринбосари, унинг ташаббуси билан ҳақда сифатини назорат этувчи комсомол гуруҳини ташкиллаган. Гуруҳ «Комсомол прожектори» ҳамда давлат қабули хизмати билан биргаликда иш олиб бормоқда. Натижада назоратчилар ҳам, шериклар ҳам уларга кимроқ таяна қилаётган бўлибди. Социалистик мусобақа янгиликларига кўра, қорхонада энг яхши деб топилган ёшлар коллективига ҳақдаги барча 11 та бригада тенглашишга ҳаракат қилмоқда.

(ЎзТАГ).

Муддатидан ОЛДИН

Ғиждувон ип йиғирув-тўқув фабрикасининг илгор маччиси Заммира Бахронова ўн бир ойлик пилани барақат бажарди. Ҳозиргача 10 тонна ўрнига 13 тонна юқори сифатли ип калаваланди.

Иш зонасини кенгайтиргани, техникедан унумли фойдаланганлиги, вақтини тежоватгани учун у сменна нормасини бир ярминини ҳиссадан адо этипти. Нормадан юқори ўрнига тўртта йиғирув машинасида ишлаётган бу моҳир чевар меҳнатда бугун-эрта янги йил ҳисобини очади.

Т. МАКСУДОВ.

Бухоро области.

Газчилар ЮТУҒИ

Муборак газ божқармаси меҳнат аҳли 16 миллион 600 миллион ўрнига 17 миллион 600 миллион кубометрден зиёд газ қазиб чиқариб, ўн бир ойлик пилани барақат адо этди. Қазиб олинганга хом ашё сифати алоҳида назорат қилинмоқда.

Мустақкам интизом, техника воситаларидан унумли фойдаланиш, ишчиларга гамхўрлик қўйиштирилгани учун ҳам зафарга эришилди.

И. ЖУРАЕВ.

Қашқадарь области.

План бажарилди

— Йиллик план бажарилди. 1 миллион 727 минг тонна халқ ҳўжамлиги юзлари ташкилдир. Бу — пандегидан анча кўп. Бутун коллектив бир танбир жоон бўлиб, аҳиллик билан ишлаётгани, ҳамжиҳат излаб-найтирилари учун ҳам йиллик мазра барақат эгалланди, — дейди Андиқондаги 2508-автокорхона бош инженери ўринбосари Н. Солиев.

Ресурсларни тежашга ҳам катта эътибор берилган. Йил бошидан бўлиб 2 минг сўлқик автошина, 13 тонна ёнгилик ик-тисод қилинди. Ўйлашқон Бўринов, Томирзон Хожимов, тош икби тақриблар шоёрлар ютуқларга, айниқса, яхши ҳисса қўшдилар.

Х. ТОЖИМАТОВ.

Андиқон области.

Йилни зафарли якунлаш учун курашётган, қайта куриш тўғрисида аҳолини ўнлаб меҳнатчилар коллективларининг олаётган меҳнатчилар зафарлари ҳақда С. ЧИНАЕВ, В. ТИРИН (Тошкент), А. ИСМОИЛОВ (Бухоро), А. ҚОРАБОВ, Б. МАХМУДОВ (Наманган) ўртоқлар ҳам эътиборчилар.



ЕР ҲАЙДАСАНГ КУЗ ҲАЙДА...

Собир Раҳимов номли совхоз деҳқонлари бу йил Қарши районидан эмас, Қашқадарь областида кузги шудгорга биринчилар қатори киришдилар. Утган йилга нисбатан бу муҳим агротехник тадбирни бир ой олдин бошлаган киришкорлар мавжуд 25 трактор ва 16 та ғўза қирқич меҳнатчиларидан икки сменда унумли фойдаланмоқдалар. Уларнинг кунлиқ иш унумдорлиги бир ярм нормани ташкил этмоқда.

— Бу йил совхозимиз, — дейди хўжалик агрономи Тўлқин Хўжанов, — йиллик пахта тайёрлаш пиланини биринчи марта ошириб бажаришга эришди. Бу, албатта, оила ва бригада нудратига ўтиб ишлаётган коллективлар меҳнати самарасидир. Давлатга 6200 тонна юқори сортли пахта топшириб, шундан 1100 тоннасини пиландан ташқари етказиб бердик. Бундай галабага эришишда ўтган йилнинг куздайқ шудгорга барақат киришганимиз ва унинг сифатига катта эътибор берганимиз имкон берди. «ЕР Ҳайдасанг куз Ҳайда, куз Ҳайдасанг юз Ҳайда» деган халқ нақлига амал қилган пахтакорларимиз бу йил ҳам шудгорга барақат киришганларини боиси шунда.

Суратларда: (юқоридан) хўжалик агрономи Т. Хўжанов ва пахтачилик бригадаси бошлиғи Х. Ирисовлар шудгор чуқурлигини кўздан кечиряптилар. Пастда эса далапарини келгуси йил мўл ҳосилга тайёрлаш ҳозирлиги.

Ш. ШАРОПОВ фотолари (ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

МИЛИЦИЯ СТАРШИНАСИ
О. С. АСҚАРОВ,
МИЛИЦИЯ СТАРШИНАСИ
М. Г. ГАШИМОВ ВА
МИЛИЦИЯ КАТТА ЛЕЙТЕНАНТИ
М. С. МАТЧОНОВНИ
ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Қуролли жиноятчиларни қўлга тушириш чоғида мардлик ва фидокорлик кўрсатиб ҳалок бўлган қўндағилар мукофотлансин:

Қизил Юлдуз ордени билан

Олимжон Солнбеков Асқаров — милиция старшинаси.

Муса Гасан ўғли Гашимов — милиция старшинаси.

Маткарим Салдуллаевич Матчонов — милиция катта лейтенанти.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАВВИЛИ.
Москва, Кремль.
1988 йил 17 ноябрь.

СССР Олий Совети Президиумида

1988 йил 16 ноябрь кунин Эстония ССР Олий Советининг сессиясида мазкур республика Конституциясининг 74-моддасига тузатиш киритилди, ушбу тузатишга кўра, Эстония ССРдаги олий ҳокимият органлари муайян ҳолларда СССР Иттифоқининг қонун ақтари ва бошқа ақтарлар амал қилишини тўхтатиб қўйишлари ёни мазкур ақтарлар қўлланилишининг кетарасини белгилашлари мумкин.

СССР Олий Совети Президиуми Эстония ССР Олий Совети қабул қилган мазкур тузатиш ва бошқа бир қанча ҳужжатлар СССР Иттифоқининг амалдаги Конституцияси қондаларига мос келмаслигини ҳисобга олиб, ўзининг яқин орада бўладиган мажлисида Эстония ССР вакилларини таклиф этган ҳолда, мазкур масалани кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети палаталарининг қонун лойиҳаларини таёйрлаш комиссияларига Совет Социалистик Федерацияси тузиллиши ва бирлигининг асосий принципларини дахлдор бўлган мазкур масала ҳусусида батафсил хулоса тақдим этиш топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҒҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи қаҳирчи Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бугун, 18 ноябрда, эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 18 ноябрда, эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

17 ноябрь кунин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисида республика давлат ҳокимияти олий органининг тўққизинчи сессияси ўтказилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сессия кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги так-

лифлар муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг иш якунлари кўриб чиқилди. Депутатлар комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат пиланини, 1988 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги Давлат

бюджети ва 1987 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботи дастлабчи тартибда кўриб чиқишни тўғралаган ишчилар ва улар юзасидан хулосалар тайёрлаганликларини маълумот учун қабул қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг «КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленумининг халқ таълимининг демократиялашга оид қарорлари асосида халқ

депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар муҳокама қилинди. Республика халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижроия ва идора органларига қарорда ўртага қўйилган вазифаларини сўзсиз рўёбга чиқариш, халқ таълими самардорлиги ва сифатини ошириш, бу ишга меҳнатқашлар ва жамоатчилик кенг доирала-

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Москвада Орол кунлари олдидан

ОРЗУ-УМИДИМИЗ
ДЕНГИЗИ

● 21 ноябрь кун Москвадаги Адабиётчилар марказий уйда Орол кунларининг очилиш маросими бўлади. Бу кунлар Ўзбекистон ва Қозоғистон Ўзувчилар союзлари ҳузуридаги жамоатчилик асосидаги «Орол» комитетлари ташаббуси билан СССР Ўзувчилар союзи правлениеси ва СССР Фанлар академияси президиуми билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Орол кунларини Ватанимиз пойтахтида ўтказишга қарор қилинганлигининг боиси нимада? Бундан кўзда тутилган мақсад нима? Бу кунлар қай тарола ўтади? Ана шу саволларга Ўзбекистон Ўзувчилар союзи ҳузуридаги Оролни қўқариш комитетининг раиси Пирмат Шермухамедов жавоб беради:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи» районидagi экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва муҳофаза этишни қўқариш тадбирлари тўғрисидаги қарор, ҳукуматимизнинг ана шу ҳужжатни пайдо бўлишининг эътибори Орол ва Оролбўйи муаммолари фақат Ўрта Осиё регионини миқдоси тааллуқли муаммо бўлиб қолмай, балки ҳақиқатан ҳам умумдавлар даражасидаги айлантирилган яққол далолат бериб турибди.

Гарчи биз Москвада Орол кунларини ўтказиш ташаббускорларидан бўлсан ҳам, бу ташаббус Ўзбекистон ва Қозоғистон Ўзувчилар союзи ҳузурида ишлатилган жамоатчилик комитетлар аъзоларининггина ташаббуси эмас. Бундан истаб шу йил май ойида бўлиб ўтган «Экология ва адабиёт» Бутуниттифоқ тематик учрашувида ҳам айтилган, ана шу асосатли учрашувнинг икунловчи ҳужжатда ўз ифодасини топган, шундан кейин эса «Новый мир» ва «Памир» журналлари редакциялари, СССР табияти муҳофаза қилиш давлат комитети уюштирган, яқингинада якунланган «Орол-88» экспедицияси қатнашчилари томонидан фаол қўллаб-қувватланган эди.

Ана шу экспедициянинг барча қатнашчилари Орол кунларида қатнашиш учун Москвага таклиф этилди — пойтахтда мазкур экспедиция бажарган ишнинг узил-кесил якунлари чиқарилади. Бундан ташқари, Оролбўйи региондаги республикаларнинг партия ва совет органлари вакиллари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Орол тўғрисидаги қарорини амалда ошириш билан бевоқиф бўлиб қўйилган министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзувчилар, журналистлар, Орол денгизи ва Оролбўйи кўтарилган ҳаракатда фаол иштирок этаётган иқтисодий соҳаларнинг вакиллари ҳам таклиф этилди.

Ушбу кунлар программасига мувофиқ олимлар, марказий илмий-тадқиқот, ва лойиҳа институтлари, сув ҳўжаллиги ташкилотлари мутахассислари, Орол ва Оролбўйи ҳўкумат комиссияси аъзолари, мамлакат табияти муҳофаза қилиш комитети раҳбарлари билан учрашувлар ва суҳбатлар бўлади. «Новый мир», «Голос» журналлари ва «Литературная газета» редакцияларида Орол ва Оролбўйи муаммолари бағишланган давра суҳбатлари бўлади. «Звездный» шаҳарчасига бориб, олимлар ва қосмонавтлар билан учрашамиз, улар Орол муаммосига нийоятда қизиқмоқдалар.

Учрашувлар ва суҳбатлардан ташқари, ушбу кунларнинг қатнашчилари ва

Сув
бор—
хаёт
бор● Ташвишли сигнал
«ОБИ АЖАЛ» ЧИҚАРУВЧИЛАР

Тошкент облатининг «Галаба» районидagi «Сергелия» совхози заҳарли сув чиқара бошлади. Табиат муҳофазаси қонунини кўйлаб бузиш самараси ана шундай бўлди.

Посёлка марказида чўчкачилик комплексини барпо этилган. Унга тозалаш иншоотлари даркор. Улар бор-у, аммо керагидан икки баравар кам қувват билан ишлайди. Оқма сувлари у ерда ҳар доим ҳам тозаланишмайди. Оқма сувлари иккигача тозалаш ва тиндириш йшлари бетон чекларда олиб борилади. Аммо сассик сув бу иншоотларни четлаб ўтиб,

Нукусда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг клиника ва экспериментал медицина илмий-тадқиқот институтини ташкил этилди. У болалар касалликларини муаммолари билан шугулланади.

Мўйноқ райони, айниқса, ҳайманинг диққат марказида. Бу ерда балиқ овлан ва бошқа хил ҳўнармандчилик ишлари йўқолганлиги, сувнинг намбўлиги, иқлимнинг ёмонлашганлиги оқибатида аҳолининг бир қисми кўчиб кетди. Бироқ ҳозир бу жараён тўхтаган.

Помир ва Тийншон тоғларида ёғингарчилик кўп бўлганлиги туфайли ўтган йил июнидан бошлаб Амударё суви узлуқсиз равишда Орол денгизига тушиб турибди. Фақат ўтган йилнинг ўзида Орол 9 кубкилометрдан кўпроқ оби-ҳаёт олди. Бу йил эса 14 кубкилометр сув боради. Кейинги 9 йил ичда Сирдарё биринчи марта Оролга бориб етди.

Сув бориши туфайли Амударё дельтаси ўзгармоқда. Ўсимликлар дўниси жонланмоқда. Балиқлар пайдо бўла бошлади. Қўшлар қайтиб келмоқда. Қўшлар ва кўрғазларнинг сувага тўлириши, балиқчиликни қайта тиклаш, районини иқлимлик сув билан таъминлашни яхшилаш имконияти туғилмоқда.

Битта мисол. Агар ўтган йили Мўйноқда атиги 3 та хўсусий уй қурилган бўлса, бу йил 18 та хўвли тўйи ўтказилди. Табиийки, бу — яхшилик аломати.

Суратлар: 1. Судочке қўли. У Оролга етб бормаган оқма сувлардан ташкил топган. 2. Янги балиқчилик ҳўжалигида. 3. Нукусдаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази бўлиб мудири Р. Гордеева ва Ж. Полонваллар чақалоннинг ҳолатини кузатишмоқда. 4. Мўйноқда яна бир тўй. Ж. Умаров ва Г. Ҳафизовларнинг никиҳ тўйи.

Б. Юсупов фотолари, (ЎЗАТГ).

● Спорт

ГИМНАСТИКА:

ЎРИНБОСАРЛАР
КЎРИГИ

Бугун Тошкентдаги марказий «Юбилей» спорт саройи ҳар қанонгидан тавқимланади. Бу ерда ўсимлар ўрасида мамлакат чемпионати бошланади. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимига пухта ҳўзирлик қўрилди. Спорт саройини мусобақани ташкил этиш, спортчио ишқибозлар бўш вақтини оқилона уюштириш учун ҳар жиҳатдан мослаштирилган. Улкан залда гимнастиканинг барча хиллари бўйича курашиш учун шароит ҳўжайи.

— Ўзига хос йирин мусобақанинг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши бежиз эмас, дейди мамлакат чемпионати бош судьяси Г. Болышеков. — Бониси юбилей спорт саройида Иттифоқ ва халқаро миқдосдаги қизқирқли мусобақалар ўтказиб, етарли тажриба тўпланган. Бундан ташқари тошкентликлар спортнинг гимнастика турига катта қизиқиш билан қарайдилар. Ўзбекистонда гимнастика спортнинг оммалашиб турларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда, Венера Зарипова, Ирина Бараканова каби етук гимнастикчилар камол топган республикада унинг издошлари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу сафарги ўсимлар мусобақаси асосан олимпиада умидларидан иборат. Ўзбекистон, бутунги ўсим йигитчилар 1992 йилда ўтказилган Олимпиада мусобақаларида совет спорт шарафини муносиб ҳўйма қилдилар.

Мусобақада ўн бир қосонада қатнашади. Улар асосан кесаба союслар, динамочилар, армиячилар ва «Мехнат резервлари» қўғилли спорт жамятларининг аъзоларидан иборат. Ҳар бир қосонада ўн бир ўғил, шундан кўз гимнастиканидан иборат тарзда таркиб топтирилган. Мусобақада жами 140 га яқин гимнастикчи қатнашади. Гимнастикчиларнинг чиқаришлари ҳакамлик қилишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган тажрибали судьялардан 24 нафари ўғил болалар мусобақасини баҳолаша, 16 судья қизларнинг чиқилиши кузатади. Ҳакамликка Ўзбекистон судьялари ҳам жалб этилган.

Мусобақа уч кун давом этади. Дам олиш кунини ўсимлар мамлакат шахсий-қосонада чемпионатининг қилиблари аниқланади. Бугун мажбурий программа бўйича чиқилар бўлса, эртага эркин программа мувофиқ мусобақалар ўтказилади. Шундан кейин гимнастикчилар алоҳида машқлар бўйича финал баҳоларида куч синишадилар. Мусобақа мухлисларида яхши таассурот қолдиради, деган умиддамыз.

Совринлар ва ўринлар

● ШАХМАТ. Грециянинг Салоники шаҳрида ўтказилётган шахмат олимпиадаси давом этамоқда. Тўртинчи кунини совет шахматчилари Руминия командасини 3,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Г. Каспаров учинчи марта муваффақият қозонди. Аёлларимиз ҳам бир ўйинни кечқиртирган ҳолда ана шу мамлакат шахматчиларидан 1,5:0,5 ҳисобида устун келишди. Умумий ҳисобда, Аёллар бақсида эса Венгрия командаси 10,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

● ФУТБОЛ. Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари ўтказилди. Олтинчи гурупада: Испания-Ирландия (юмандавлари [2:0] учрашган бўлса, еттинчи гурупада: ЧССР — Бельгия [0:0], Португалия — Люксембург [1:0] футболчилари майдонга тушдилар.

Редактор

Л. ҚАЮМОВ.

● Тингланг, томоша қилинг

18 НОЯБРЬ, ЖУМА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-1. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Ўтмишнинг қайтариши». Вадний фильм. 4-серия. 1 ва 2-қисмлар. Танайфуседа-Янгиликлар. 11.40 — У рус саҳнасида ҳақиқатан ақс эттириди. 16.00 — Янгиликлар. 18.10 — Кайта кўриш прожектори. 18.20 — Концерт. 18.50 — Қозоғистон телевиденисининг программаси. 17.50 — Неге ва нима учун? 18.20 — Мульфильм. 18.30 — Демократиянинг ўрғанами. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Ҳўжжати фильм. 20.20 — «Ўтмишнинг қайтариши». Вадний фильм. 4-серия. 1-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Кайта кўриш прожектори. 22.15 — «Ўтмишнинг қайтариши» Вадний фильм. 4-серия 2-қисм. 23.30 — Никтох.

МТ-11. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммаво фильм. 9.35 — Тарих. 4-сиф. 10.05 — Инсана тили. 11.05 — СПТУ ўқувчилари. 11.35 — Тарих. 12.05 — Инсана тили. 13.05 — «Айа». Вадний фильм. 2-серия. 14.10 — Ҳўжжати фильм. 15.10 — Янгиликлар. 15.20 — «Сарсонлик-саргардонликда».

Вадний фильм. 7-серия. — «Катя». 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Хайвонот оламида. 19.40 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.10 — Хайр, ле туи, қичқиротилар! 20.25 — Эфирда музика. 1-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Кайта кўриш прожектори. 22.15 — Эфирда музика. 2-қисм. 23.05 — Янгиликлар. 23.10 — Уларнинг номлари энгиларда пайдо бўладими?

УТВ-1. 15.30 — Кувноқ

стартлар. 16.20 — «Калаванинг

учин». Вадний фильм. 17.30 — Рус адабиети. 18.00 — Янги

ликлар. 18.15 — Мульфильм.

18.45 — Осиё-оқват прог-

раммаси амалда. 19.15 — Никод

сахфалари. 20.00 — Ахборот.

20.20 — Долабар интервью.

20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш

ижроичилар концерти. 21.30 —

Время. 22.05 — Кайта кўриш

прожектори. 22.15 — Сибей

ислохот йўлидан. 22.45 — Ник

тох.

УТВ-11. 9.30 — Инсон ва та-

бият. 20.20 — «19 лар комите-

ти». Вадний фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 —

Фрунзе. 21.30 — Время. 22.05 —

Кайта кўриш прожектори. 22.15 — ТВнинг матбуот мар-

кази ҳисобот ва сайловлар да-

вом ётмоқда. 22.45 — «Васият»,

Вадний фильм.

РАДИО

БИРНИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30

— М. Левин ва М. Юсупов кў-

шқилари. 9.30 — Тарона ай-

лаб. 9.45 — Халқ контроли ра-

диолиги. 10.15 — Публицист

минбари. 12.10 — Мелюторат.

12.30 — Халқ талантларининг

концерти. 13.00 — «Ўзбекистон

чорвадори. 13.30 — Н. Вогос-

ловский кўшқилари. 14.00 —

Қишлоқ ҳўжалик ходимлари

учун эшитириш. 15.30 — Қаҳ-

рамон пионерлар. 15.50 — Мак-

таб ўқувчиларининг талаблари

га биноан концерт. 16.00 —

Дўстларимиз овози. 18.15 —

Визинг социалистик турмуш

тарзини. 18.30 — Вокал сои-

талар. 18.40 — Инсон ва қо-

нуи. 19.20 — Оғоний. 20.15 —

Инстикмий филлар ва ховирги

эмои. 20.30 — Ўзбек классик

кўшқилари. 21.30 — Қишлоқ

меҳнатқиларининг талабля-

рига биноан концерт. 23.10 —

М. Исмоилий тугилган кунининг

80 йиллиги. 23.00 — Тупни

музикали программа.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СОВЕТ МАДАНИЙ ФОНДИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БЎЛИМИ ҚОШИДА

«А с с ф о»

(Ўзбекистон фоторассомлари ассоциацияси)

ИШЛАВ ЧИҚАРИШ-ВАДИЯ КООПЕРАТИВИ
ИШЛАВ ТУРИБДИ

Мазкур кооператив корхоналар, ташкилотлар ва аҳолига қўйиладиган хизмат турларини кўрсатади:

профессионал фотография — махсус фотоматериаллар, аппаратуралар, ёритиш системалари ва эффектилардан фойдаланиб, муайян автор томонидан бажариладиган бадий-саҳналаштирилган фотосуратга олиш, қўлланилиш соҳаси — полиграфия (буклетлар, проспектилар, плакатлар, альбомлар, календарлар);

фотография кўргазмалари: фотодизайн (фотосуратлар ёрдамида эстетик муҳит ташкил этиш);

хроникал фотография — репортажбоп суратга олиш (фотохўбдорларни оператив узатиш билан); техник фотография, репродукция, музей ва суратга олишнинг бошқа тартиплари;

фотоназорлар учун ҳарф кассалари тайёрлаш (ҳарфларнинг 3 мингдан зиёд турлари);

полиграфия дизайни — фирма услубидаги буюмлар тайёрлаш (фирма белгиси, эмблема, бланка, хат, конверт);

реклама маҳсулотлари: проспектиларнинг макетлари, буклетлар, плакатлар, альбомларнинг бадий-графика оригиналларини яратиш.

Ана шу маҳсулотларини Тошкент, Москва ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида тайёрлаш бўйича. воситачилик хизмати кўрсатиш;

РЕКЛАМА —

буюртмачи учун фақат рекламанинг бадий ижросини қафолатлайдигина эмас, балки унга маркетинг стратегияси ва тактикасини тўғри танлашга, рекламагача бўлган шитлар маҳсулотларига тааллуқли тадқиқотлар ва телевизион реклама ўтказишга ёрдам берадиган хизматлар қўлади;

майн-андаза босма усулида реклама ва бошқа маҳсулотларини зудлик билан тайёрлаш; реклама плакатлари, афишалар, вимпеллар тайёрлаш; видеофильмлар, слайдлар, слайд фильмлар ишлаб чиқариш.

«АССФО» спорт кийимлари ва урф бўлган кийим-кечак, сумкалар, чарм-галантерея маҳсулотлари, турли хил жиҳозлар ишлаб чиқариладиган кооперативларга ҳамкорлик қилишни таклиф этади. Бизнинг дизайнерларимиз ва рассомларимиз сизга энг замонавий эмблемалар, расмлар, композициялар таклиф этишди. улар сизнинг маҳсулотларингизга ўзига хос жозиб ва юксак замонавий услуб бахш этади.

«АССФО»нинг майн-андаза босма усталари ўзингиз танлаган расмин ҳар қандай бичилган материалда юқори сифат билан солиб беришади.

Социалистик ташаббускорлик фазилатига эга бўлган, ўзининг шахсий ҳиссаси билан кооперативни ривожлантиришга тайёр кишиларнинг таклифларини диққат-эътибор билан эшитамиз.

Справкалар ва таклифлар учун телефонлар: 35-08-12, 56-87-78 (кечки пайтда 87-66-67).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиовиштириш давлат комитетининг республика телевидениеси коллективни Халқ ҳўжалиги экономикаси Бош редакциясининг бўли мудири М. Абзаловга онаси

Мархамат

АБЗАЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия илҳор қилади.

Қўғон давлат педагогика институтини коллективни мактаб, гача тарбия нафедрасиянинг катта ўқитувчиси, СССР халқ наорифи аълочилиси

Зухра Абрамова

КАЛОХУНАЕВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қай-гу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия илҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиовиштириш давлат комитетининг чет айлара

эшитиришлар коллективни «Ватанлош» радиостанциясининг кекса ходими, пенсионер

Мадамин

ДАВРОНИНГ

вафот этганлигини чуқур қай-гу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия илҳор қилади.